

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 1 апрель куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ҳосилдор тупроғи, бой минерал хомашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажралиб туришини, гўзал табияти, хушманзара масканлари билан ҳар қандай кишини хайратга солишини таъкидлади.

Вилоятнинг миришкор деҳқонлари ўзларининг пешона тери эвазига етиштираётган ноз-неъматлари билан наинки вилоят аҳолисини, айни чоғда асим пойтахтимиз аҳлини ҳам мева, сабзавот, гўшт, сут, туҳум ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкент вилоятида иқтисодий тараққиётнинг

етақчи тармоғи бўлмиш саноат юқори даражада ривожланган. Умуман олганда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 9,6 фоизи, саноат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларнинг 9,4 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши унинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканини таъкидлади, деди Юртбошимиз.

Воҳада ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё, нефть-кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб АҚШнинг машҳур «Женерал Моторс»

компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий заводни, Чирчиқ, Олмалик, Бекобод шаҳарларидаги йирик саноат мажмуаларини келтириш мумкин.

Президентимиз Тошкент вилоятида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни қайд этган ҳолда, мавжуд камчиликларни таъкидлаб, галдаги устувор вазифаларга алоҳида тўхталди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Р.Холматов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тавсиясига кўра Андижон вилояти ҳокими лавозимига ишлаб келаятган Аҳмад Тугилович Усмонов Тошкент вилояти ҳокими этиб сайланди.

Сессияда «Нуроний» жамғармаси Чиноз тумани бўлими раиси Мираҳмад Давронов, Бўка туманидаги «Мустақил Ўзбекистон» фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Саидов, Тошкентдаги Турин политехника университети талабаси Олимжон Тўйчиев, Покент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори Мархаб Қурбонова сўзга чиқиб, Президентимиз нутқда Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят ахли билдирилган фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, ислохотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Т.Усмоновни Тошкент

вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Аҳмад Тугилович Усмонов Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Андижон вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 1 апрель

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.Қ.Холматовни Тошкент

вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Рустам Қурбонназарович Холматов Тошкент вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 1 апрель

## ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз парламенти давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қондаларини амалга оширган ҳолда, ўз қонун ижодкорлиги фаолиятининг услублари ва сифатини тобора такомиллаштиришда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси миллий ҳуқуқий амалиёт учун янги услуб – ҳуқуқий тажриба ўтказиши жорий этиш ташаббусини илгари сурди. Парламент аъзоларининг ушбу ташаббуси Президентимиз Ислам Каримов томонидан қўллаб-қувватланди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ишлаб чиқилган лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказиш тартиби ҳамда шартларини белгилаб берган фармойиши қабул қилинди. Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мазкур ҳуқуқий тажрибани ўтказиш бўйича ишчи комиссиянинг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди.

Унда мазкур ишчи комиссия аъзолари – Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Бухоро ва Самарқанд

вилоятлари ҳокимликларининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари қатнашди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг, ишчи комиссия раиси Д.Тошмухамедова бошқарди.

Ишчи комиссия зиммасига юкланган вазифаларга биноан 2013 йил давомида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажрибани ташкилий таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Мажлисида мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилгани ва у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган сўз эркинлиги ҳамда

фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаштириш таъкидланди. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 30-моддасида барча давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Бу қоида ва принциплар қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа ҳужжатларида ўз ифодасини топган. (Давоми 2-саҳифада)

## ЭНГ МУНОСИБЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САНЪАТ САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР ВА ХУНАРМАНДЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН «ТАШАББУС – 2013» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ГОЛИБЛАРИНИ ТАНТАНАЛИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Тадбиркорлар, фермерлар, хунармандларнинг янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш, фаровонлигини таъминлашдаги ҳиссаси салмоқли бўлаётди.

Буни Президент соврини учун аънаванай ўтказиб келинаётган ва яқиндагина совриндорлари аниқланган «Ташаббус – 2013» кўрик-танлови мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир ой мобайнида

давом этган жорий йилги тадбиркор, фермер ва хунарманд иштирокчи этишди. Вилоят босқичида голиб бўлган иштирокчиларнинг 41 нафари кўрик-танловнинг мамлакат босқичида беллашдилар.

Танлов голиблари аниқланишидан олдин пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида уларнинг маҳсулотлари, ишлари, салоҳиятини намойиш этиш учун кўргазма ташкил этилди. Бир-биридан бежирим, ўзида кадрларимиз ва замонавийликни мужассамлаштирган хунармандчилик

маҳсулотлари, илғор технологиялар асосида халқаро стандартларга мос келадиган қилиб ишланган маийий техника воситалари, замонавий технологиялар асосида қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмани иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

29 март куни «Туркистон» санъат саройида танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда тадбиркорларга бизнес юртиш учун қўлай муҳит яратилмоқда, бизнес фаолиятини истиқболли ривожлан-

тиришга қаратилган имтиёзлар тизимли равишда давом эттирилмоқда. «Ташаббус» эса ишбилармонлар-

нинг ўзини намойиш этиш воситасига айланди. «Ташаббус – 2013» танлови голибларининг номлари

эълон қилинди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари – «Spark» автомашиналари ҳамда қўшимча мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, «Энг яхши тадбиркор» йўналишида биринчи ўрин голиби Андижон вилоятидаги «Rubber trust» хусусий корхонаси раҳбари Абдуллоҳим Исмоилов, «Энг яхши фермер» йўналишида бош соврин эгаси Қоракалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги «Азамат» фермер

хўжалиги раҳбари Байрамқилич Дадебаев, «Энг яхши хунарманд» йўналишида бухоролик хунарманд Махфуза Салимова биринчи ўрин голиби деб топилди.

Асосий йўналишлар бўйича иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритганлар диплом, пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, қўшимча – «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркори аёли», «Йилнинг энг яхши инновацион лойиҳаси», «Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор», «Энг яхши солиқ

тўловчи», «Менинг юртим – менинг ифтихорим» номинациялари бўйича аниқланган голиб ва совриндорларга диплом ҳамда мукофотлар топширилди.

«Ташаббус – 2013» кўрик-танловининг голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқолов сўзга чиқди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



«ЭНГ ЯХШИ ФЕРМЕР»

Бугунги фермер маҳсулот етиштириш билан чекланиб қолмай, уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқда. Натижада қишлоққа саноатни олиб киришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, энг муҳими, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирishга салмоқли ҳисса қўшаётди. Хўжайли туманидаги «Азамат» фермер хўжалиги раҳбари Байрамқилич Дадебаев ҳам ўз фаолиятини шу асосда ташкил этган. Айни пайтда хўжаликда қишлоқ хўжалигининг деярли барча тармоғи йўлга қўйилган. Кўп тармоқлилик эса кўп даромад-

лилик белгиси. Бугунги кунда хўжаликда пахтачилик, галлачилик, шолчилик, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларчилик, пиллачилик каби йўналишлар ривож топмоқда. Фермер хўжалигида 54 нафар киши меҳнат қилаётди, уларнинг 35 нафари ёшлар, яъни коллеж битирувчиларидир. «Ташаббус» эса бизга қаратилган эътиборнинг ёрқин намунаси, – дейди фермер Байрамқилич Дадебаев. – Бундай эътибор бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди.



«ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР»

Мамлакатимизда тадбиркорликка қаратилган эътиборнинг ёрқин натижасини Андижон вилоятидаги «Rubber trust» хусусий корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхона фаолият бошлаганда 2 турдаги маҳсулот тайёрланар, ишчилар сони 2 нафар эди. Ўтган йил якунлари бўйича маҳсулот тури 30 дан ошиб, ишчилар сони салкам 100 нафарга етди. Энг муҳими, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 60 фоиздан ортиги экспорт қилинаётди. Ўтган йили корхонада яна бир хайрли иш амалга оширилди. 400 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилди. Натижада янги технология олиб келинди. Ушбу технология жорий йилда ишга тушади. Шунда яна 50 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланади. Ушбу юксак мукофот бизни янада фаолликка, янги марралар сари ундайди, – дейди тадбиркор Абдуллоҳим Исмоилов. – Билдирилган ишончни оқлашга, тадбиркорлик фаолиятимизни янада кенгайтириб, юртга хизмат қилишга ҳаракат қиламиз.



«ЭНГ ЯХШИ ХУНАРМАНД»

Бухоро шаҳрилик Махфуза Салимова аънаванай хунарларини такомиллаштириб келмоқда. Унинг хунари маҳсуллари билан танишар экансиз, санъат асари дейсиз. Бир-биридан бежирим зардўзлик, патдўзлик маҳсулотлари – зар оёқ кийимлар, миниатюралар гиламлари ва миллий тикувчилик буюмлари барчани хайратга солади. Хунарманд хунарини эъозлаб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Маҳорат мактаби ва кўргазмалари орқали Бухоро зардўзлик мактабининг доврғини дунёга ёймоқда.

– Президент совринини қўлга киритиш – бу шараф, – дейди Махфуза Салимова. – Бухоро – хунармандлар юрти. Фаолият давомида қадимий усулдаги 130 турдаги патдўзлик аънаваларини тикладик. Зардўзликни ривожлантирдик. «Устоз-шогирд» аънараси бўйича 110 нафардан зиёд шогирд тайёрладим. Бугун улар мустақил равишда ишлаб, элу юртга, оиласига наф келтирмоқдалар. Насиб бўлса, фаолиятимизни янада ривожлантириб, элу юртимизга кўпроқ наф келтиришга ҳаракат қиламиз.

# ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилган. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлагандек, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, ахборот эркинлигини таъминлашдан бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Ахборот соҳасини демократия асосида ривожлантириш Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ушбу соҳани янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш мақсадида миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилган. Жумладан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган. Янги қонунда жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураси белгиланган, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг бу қарорлар

сифати учун жавобгарлигини оширишга, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини, сўз ва сайлов эркинлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда ривожланган демократик давлатлар таъриби ўрганиб чиқилди, ахборот ҳуқуқи соҳасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар тавсиялари инобатга олинди. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси, ҳусусан, ҳорижий экспертлар иштирокида кенг муҳокама этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудидида ўтказилган киркдан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари яқунлари бўйича мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид юзга яқин таклиф умумлаштирилди.

Президентимизнинг мазкур қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий таъриб ўтказишга оид фармойишининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг янги ҳуқуқий амалиётида ноёб таъриб бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришларнинг мантйқий давомидир. У қонун лойиҳаси нормаларини янада такомиллаштириш, демократик принципларга асосланган янги ҳуқуқий ҳужжатларни синовдан ўтказиш услубини қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жорий этиш учун қўшимча имкониятлар очиб беради. Шуниси эътиборлики, мазкур услуб сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида илк бор қўлланилмоқда. Бу, шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқ амалиётига жорий этилаётган мазкур янги услуб Ўзбекис-

тонда қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиёти тизимли такомиллаштириш жараёнидаги навбатдаги босқич, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари мукамаллигини таъминлаш сифати кўрсаткичидир. Давлатимиз раҳбарининг ҳуқуқий таърибни ўтказиш тўғрисидаги мазкур фармойиши ижросини таъминлаш жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ билан янада кенг муносабатлар ўрнатишга кўмаклашади.

Илгиларида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев, Бухоро вилояти ҳокими вази фасонини бажарувчи М.Эсонов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдуҳолиқов ва бошқалар бунга алоҳида таъкидлади.

Ҳуқуқий таърибнинг мазмун-моҳияти муайян вилоят, туман ҳамда шаҳар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолиятида ушбу қонун лойиҳасини синовдан ўтказишдан иборат экани қайд этилди. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат тузилмаларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг ишлари ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда ижтимоий шахслар ҳам мазкур таърибанинг иштроқчилари ҳисобланади.

Ҳуқуқий таъриб қонун лойиҳа-

сининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралигини янада тўлиқ таъминлаш, аҳолини мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилиш жараёнлари ҳақида хабардор қилишга фуқаролик институтлари, шу жумладан ОАВнинг роли ва аҳамиятини кўчатиришга қаратилган нормалари самарадорлигини амалда текшириб кўриш имконини беради. Бундан ташқари, таъриб давомида журналистлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини изчил ошириш мақсадида уни журналистларнинг ўзи тартибга солиши бўйича турли механизмлар ҳам синаб кўрилади.

Давлатимиз раҳбари фармойиши билан тасдиқланган ҳуқуқий таърибни ўтказиш тартибига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари қатъий белгиланган. Масалан, жамийи ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда, оммавий ахборот воситаларининг таъриб субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш тўғрисидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқишли шарт. Бунда ахборот олиш талаблари оғзаки шаклда бўлиши ва бевосита, ахборот олишдан манфаатдор шахсларнинг ваколатли вакиллари орқали юборилиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини янада кенгайтиради.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасини синаб кўриш вазифаларини комплекс равишда амалга оши-

ришга қаратилган чоралар ҳам белгиланди. Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини таърибанинг бориши, жамийи ва юридик шахслар учун ахборот олишнинг янги имкониятлари ҳақида кенг хабардор қилиш шулар жумласидандир. Ўтказилаётган таъриб самарадорлигини ва унинг субъектларининг ахборот ошкоралигини таъминлашга доир фаолиятининг аҳоли томонидан баҳоланишини аниқлаш учун ижтимоий тадқиқотлар ҳам ўтказилди. Шунингдек, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича, жумладан, чет эллик экспертлар иштирокида конференциялар, семинар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Бу борада ташкил қилинадиган махсус сайтда ҳар бир одам қонун лойиҳасининг синаб кўрилиши қандай амалга оширилаётгани билан танишиши, унинг нормалари муҳокамасида қатнашиши, ОАВ вакиллари эса ҳуқуқий таъриб субъектлари фаолияти хусусида ахборот материалларини бемалол олиши мумкин.

Ҳуқуқий таъриб самарадорлигини таъминлаш учун ўзбекистон бўйича ишчи комиссиядан ташқари, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларида шундай ишчи гуруҳлар ташкил этилади. Таъриб давомида олинган натижалар таҳлили асосида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ишчи комиссия йиғилишида муҳокама яқунлари бўйича «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни синовдан ўтказиш вазифаларини амалга оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

## САРМОЯЛАР ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Жорий йилда ҳам кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6 триллион сўм микдорда маблағлар йўналтирилиши режалаштирилди.

Мазкур ресурсларнинг 1,2 триллион сўмининг микрокредитлар ташкил этиб, бунда касб-хунар коллежлари йўналтирилади. Оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга йўналтирилади.

Утган йили бошланган «Еш оилаларга — уй-жойлар» дастури бу йил ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, шу йил охиригача республикада сўм кредитлари ҳисобидан республикамизнинг ҳар бир қишлоқ туманида камидан 10 та паррандачилик хўжалиги, 500 асалари оиласи, ҳар бир минтақада камидан 30-40 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилади. Натижада ўн минглаб қишлоқ аҳолиси доимий иш билан таъминланади.

Утган йили бошланган «Еш оилаларга — уй-жойлар» дастури бу йил ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, шу йил охиригача республикада сўм кредитлари ҳисобидан республикамизнинг ҳар бир қишлоқ туманида камидан 10 та паррандачилик хўжалиги, 500 асалари оиласи, ҳар бир минтақада камидан 30-40 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилади. Натижада ўн минглаб қишлоқ аҳолиси доимий иш билан таъминланади.

Утган йили бошланган «Еш оилаларга — уй-жойлар» дастури бу йил ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, шу йил охиригача республикада сўм кредитлари ҳисобидан республикамизнинг ҳар бир қишлоқ туманида камидан 10 та паррандачилик хўжалиги, 500 асалари оиласи, ҳар бир минтақада камидан 30-40 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилади. Натижада ўн минглаб қишлоқ аҳолиси доимий иш билан таъминланади.

Утган йили бошланган «Еш оилаларга — уй-жойлар» дастури бу йил ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, шу йил охиригача республикада сўм кредитлари ҳисобидан республикамизнинг ҳар бир қишлоқ туманида камидан 10 та паррандачилик хўжалиги, 500 асалари оиласи, ҳар бир минтақада камидан 30-40 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилади. Натижада ўн минглаб қишлоқ аҳолиси доимий иш билан таъминланади.



Бухоро Вилояти

### БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

Бободехқонларимизнинг ана шундай пурмаъно ҳикматларига амал қиладиган бухоролик пахтакорлар чигит экиш ишларини бошлаб юборишди. Шу муносабат билан Шофиркон туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов раҳбарлик қилаётган «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалигида кўргазмалар семинари бўлиб ўтди.

Юртимизга таширф буюрган Наврўз байрамнинг ўзига хос удум ва анъаналари жуда бисёр. Кексаларимиз Наврўз олам кириб келиши билан янги дехқончилик йили ҳам бошланади, дейишади. Шу боис, Наврўз эри хурсандчилик билан қарши олишган бободехқонларимиз яхши ният билан экин ерларини хоҳирлаб, унга уруғ қадашни бошлашади.

Авалло, шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, жорий дехқончилик йили қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари учун қулай келадиган кўринди. Қиш фаслининг бир қадар илқ, қисқа келиши чорвадорларимизнинг ташвишини анча камайтирган бўлса, баҳорнинг эрта ва серёгин бошлангани галла экинларининг баравж ривожланиши, яйловларнинг эса ўт-ўланга тўлиши учун қулай шaroит яратмоқда.

Баҳор кунларининг эса ҳар дақиқаси пахтакорлар учун ният. Айни дамларда уларнинг юмушлари ҳар қачонгидан ортган. Пахтакорларимиз чигит экиш ишларини тез ва соз ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Шу муносабат билан ўтказилган семинарда соҳа мутахассислари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, фермер хўжаликлар раҳбарлари, экиш отрядлари бошлиқлари иштирок этди. Унда мавсум-

Сурдарё Вилояти

## «БАХТТЕКС-ФАРМ» МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТГА

Бахт шаҳридаги фойдаланилмаётган эски автобаза ўрнида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сурдарё вилояти филиали томонидан ажратилган 7,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит ва корхонанинг 4,6 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағи ҳисобига «Бахттекс-фарм» МЧЖнинг биринчи навбати ишга туширилди.

Асосан Германиянинг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган корхонада лойиҳанинг жами 21,6 миллион АҚШ долларлик қиймати тўлиқ ўзлаштирилган, бу ерда йилига 60 миллион погон-метр турли тиббий боғлам маҳсулотлари, 3 минг тоннадан ортиқ тиббий момик ва 2,5 минг тонна ип қалава ишлаб чиқарилади.

Лойиҳанинг дастлабки босқичи амалга оширилиши эвазига бу ерда 526 та янги иш ўрни яратилди. Эътиборлики, корхонада ишлаётганларнинг 80 фоизини Сурдарё, Сайхунобод туманлари ва Бахт шаҳридаги касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Ҳозиргача корхонада 9,6 миллион сўмлик ва 350 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу маҳсулотлар Россия, Украина, Қозғоғистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилинди.

— Мен Бахт енгил саноат касб-хунар коллежини тамомлаб, бу ерга ишга

келгандим, — дейди Ақида Зарипова. — Тезда касб сирларини пухта ўзлаштириб олдим. Айниқса, компьютерлаштирилган, барча шарт-шароитларга эга цехларда ишлаш бизга ўзгача роҳат бағишлайди.

Дарвоқе, айни чоғда Малек тиббиёт, Сайхунобод саноат ва Бахт енгил саноат коллежларининг 75 нафар ўқувчилари ҳам «Бахттекс-фарм» МЧЖда амалиёт ўташаётди. Улар коллежини тамомлаган, корхонанинг доимий ишчиларига айланишади.

Корхонада ишчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган. 250 ўринли ошона, кунига 1000 дона нон ишлаб чиқарадиган қолипни нон чеки доимий ишлаб турибди. Корхонанинг чорвачилик фермасида 10 бош қорамол, 20 бош қўй, 100 та товуқ ва қурка боқилмоқда. Иссиқхонадан эса йил бўйи қўкатлар узилибди. Сирасини айтганда, иссиқ оғвак учун гўшт ва қўкатлар ҳам шу ернинг ўзида етиштириляпти.

— 2012-2014 йилларга мўлжалланган Дастурга кўра, корхона лойиҳасининг жами қиймати 21,6 миллион АҚШ доллари ташкил этади, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» Сурдарё вилояти филиалининг бошқарувчиси Яшин Абдуразоқов. — Лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, бу ерда яна 500 янги иш ўрни яратилади ва маҳаллий хомашёлардан қўшимча халқаро СЕ сифат белгисини олган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Бу маҳсулотларни Европа бозорларига сотиш ҳам кўзда тутилган.

Корхонанинг Бахтиёр Фафуров, Абдурашул Махмудов, Ақром Ҳайдаров каби менежер, технолог ва механиклар маҳсулот сифатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш учун ҳамжихатлик билан меҳнат қилмоқдалар.

«Бахттекс-фарм» МЧЖ биринчи навбати ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда шулар хусусида ҳамда корхонанинг истиқболдаги режалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда вилоят ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

Бозорбой БЕКМУРДОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Сурхондарё Вилояти

## СУРХОН ВОҲАСИДА ЗАЙТУНЗОРЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар боғдорчиликнинг ҳам сердаромад тармоққа айлантириш, аҳолини арзон, сифатли ва шифобахш озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бундай имкониятдан самарали фойдаланган ташаббускор ва илганувчан фермерлар турли шифобахш дарахтларни экиб, маҳаллий иқлимга мослаштираётди.

Мутахассисларнинг фикрича, зайтун ўсимлиги мевасидан шифобахш истеъмол ёғи олинади. Зайтун ёғи ошқозон-ичак касалликларини даволашда, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб туширишда қўлланилади. Кўз касалликларига шифо бағишлайди, соч тўқилишининг олдини олади.

Шифобахш хусусиятларга эга ноёб ўсимлик қўчати сувсизликка чидамлилиги билан ҳам боғбонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айни пайтда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Шўрчи ва Жаркўрган туманларида кўпайтирилаётган зайтун дарахтидан ўтган йили дастлабки ҳосил олинди.

Жаркўрган туманидаги Қўлдовли маҳалласида таърибда бобоб-Акрамжон ўринов уч йил аввал «Сурхон зайтун» фермер хўжалигини ташкил этиб, уч гектар майдонда зайтунзор барпо қилган эди. Утган йили меҳр билан парваришланаётган дарахтлар

ҳосил нишонларини кўрсатди. — Зайтун қўчатлари экилган дастлабки йилларда ниҳолларни тезроқ ривожлантириш ва маҳаллий иқлимга мослаштириш учун кўпроқ сугориш лозим, — дейди Акрамжон. — Ўсимлик сувсизликка чидамли бўлгани учун кейинчилик йилга бир икки марта сугориш кифоя қилади. Зайтун ниҳолларини парваришда маҳаллий ўғитнинг аҳамияти катта. Унинг таъсирида қўчатлар баравж ривожланиб, эрта ҳосилга қиради. Зайтунзорни кенгайтириш учун қўчат етиштириши ҳам ўрганди. Ҳозир минг тупдан ортиқ қўчатни парваришламоқдамиз. Зайтун дарахти уруғидан олинган қўчат ўн-ўн бир йилда ҳосилга қиради. Қаламчадан экилса 4-5 йилда мева беради. Бир туп зайтун дарахти ҳосилга кирган дастлабки йилларда уч килограммгача, яхши ривожлангач, 35-40 килограммгача мева беради.

Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятида ўн беш гектардан ортиқ майдонда шифобахш зайтун дарахти қўчатлари етиштириляпти. Шўрчи туманидаги «Зайтунзор» фермер хўжалиги аъзолари ўн гектар лалми ерда мевали дарахт орасига зайтун ниҳолларини экиб, парваришламоқда.

— Дастлабки қўчатларимиз ҳосил нишонларини кўрсатганидан қувончимиз чексиз, — дейди

2013 йил – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

## 2013 йил – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

«Зайтунзор» фермер хўжалиги раҳбари Ҳайдархон Махмудов. — Ниҳоллар тупроғимизга тез мослашаётди. Зайтун ёғининг шифобахшлиги ва дарахтнинг сувсизликка чидамлилиги бизда катта қизиқиш уйғотди. Лалми майдонда етиштираётган қўчатларимизни ҳар йили уч марта томчилатиб сугорамиз. Ниҳоллар учун ана шу сув етарли бўлиб, бир текис ривожланаётгани эътиборга моликдир.

Обод турмуш йилида таърибали фермер экиш учун олти минг донадан ортиқ зайтун қўчати тайёрлади. Вилоятда барпо этилаётган зайтунзорлар янада кенгайиб, тўлиқ ҳосилга кирган, мевасидан шифобахш истеъмол ёғи олиш ва арзон нархларда савдога чиқариш мўлжалланмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.



Жиззах Вилояти

ҲАР БОШОҒИ БЎРСИЛДОҚ НОН БЎЛАДИ

Кўпчилик деҳқонлар Наврўзи олам ва умуман, март ойи кўтлуг келди, ой бошидан буён бўлган ёгингарчиликлар барча экин у бора...



қўриб қайтдим. Қор-ёмғир етарли бўлди, тупроқда нам кўп, галла майсаларининг таги деярли лой бўлиб турибди...

— Ҳамалдаги ёгингарчиликларнинг ўта фойдалилиги ҳундаки, — дея бизни галлазорга бошлади Зафаробод туманидаги "Жомбой" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Абдурашид Сафаров...

Ғаллачиликда ҳосилни тўплаш ва сақлаш зарбдор тўқсон кунлиги

берилиш керак эмас. Негаки, агротехник қоидалар бўйича галлани суғориш керакми-керак. Ота-болаларимиз ҳам, фан ҳам ҳар бир тадбирнинг ўз вақтида тўла амалга оширилиши даркорлигини айтган...

ротлардан ҳимоялашда ҳам самарали усул эканини қўрсатмоқда. Масалан, биз ўз фермер хўжалигимизда ҳар гектар галлазорамизда ҳосилдорлигини йил сайин 5-6 центнерга ошира бориб...

Ҳўжалигимиз аъзолари бу йил 66 гектар майдонда пахта етиштирадilar. Ғаллачиликдаги сингари пахтачиликда ҳам ҳосилдорлигини йилма-йил оширишга эришиб келаётимиз. Бу йил ҳар гектар пахтазоримиз ҳосилдорлигини бултурги 31 центнердан 35 центнерга etkazish чора-тадбирларини кўраямиз.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING NAVOIY VILOYATI FILIALINING BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ҚАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКORЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳокимининг 16.03.2013 йилдаги 01-02/125-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва ҳисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Хатирчи тумани "Қорача" ҚФЙ "Катта сой" МФЙ ҳудудидан 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 62 920 сўм.

қв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 321 740 сўм. Маъбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хатирчи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий эш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 2 май кунин соат 18:00 да тўхтатилади.

олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотeka банк" Навбахор тумани филиалидаги: МФО: 02025, СТИР: 207122519, 20208000504920609007 х/р га тўлашлари шарт.

Танлов ҳужжатлари талабгорларни энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги ҳақ эъзаига олади. Талабгорлар буюртманомана билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ VA UNING ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ 147-СОНЛИ ҚАРОРИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ХУҚУҚЛАРИНИНГ 2013 ЙИЛ 5 МАРТДАН 26 МАРТГАЧА БЎЛГАН МУДДАТДАГИ САВДОСИ НАТИЖАЛАРИ

Андихон вилоятида 22.03.2013 йилда Андижон шаҳридан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи: 1. Бўстон даҳаси ҳудудида жойлашган сатҳи 400 кв.м. Мевали бог ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун, Бошланғич баҳоси - 407 280 сўм, сотилиш баҳоси - 437 000 сўм.

Марғилон шаҳридан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи: 1. Янги Марғилон шаҳарчаси Наврўз МФЙ И.Кўчаси 3-нон ҳудудида жойлашган, сатҳи 400 кв.м. Савдо дўкони ва автомабилларга техник хизмат кўрсатиш шохбончаси қуриш учун, бошланғич баҳоси - 1 000 000 сўм.

бошланғич баҳоси - 77 933 сўм, сотилиш баҳоси - 100 000 сўм. 27.02.2013 йилда сотилган: 1. Сўх т. Хўшёр ҚФЙ 3-нон ҳудудида жойлашган, сатҳи 400 кв.м. Савдо дўкони ва автомабилларга техник хизмат кўрсатиш шохбончаси қуриш учун, бошланғич баҳоси - 1 333 840 сўм, сотилиш баҳоси - 1 333 840 сўм.

ОДСП-8 МИНСЕЛВОХОЗА РУЗ ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЙ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА:

Реконструкция насосной станции «Пахтакор» Шахрисабзского района Кашкадарьинской области. Стартовая стоимость заказчика составляет 6.874.915.000 сум без НДС, 8.249.898.000 сум с НДС.

размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимые для выполнения работ.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов - Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве.

ТТТ "Рахимов Фозилон Сайдазимов" номини берилган думалок муҳр йўқолганини сабабли бекор қилинди. Ташкент ш. Унгена т. ТСПҮИ томонидан (реєстр № 004519-01, 16.05.2011 й.) рўйхата олинган "UONTERA GRAND" МЧЖнинг (ИНН 30 1991928) Устав фонди 430 862 428,1 сўм 1 тийиндан 220 010 059,94 сўм 84 тишини қайтаришни алоқа қилиди.

Ташкент ш. М.Улугбек т. Ҳокимияти хузиридаги ТСПҮИ-да (реєстр № 007410-04, 15.06.2012 й.) рўйхата олинган "GAZ BALLON SERVICES" МЧЖнинг фойдалини тўлатишди. Давлолар 2 ой мобайнида 355-19-64 тел. орқали қабул қилинади.

Ташкент ш. М.Улугбек т. ТСПҮИда (15.01.2013 й., реєстр № 007744-04) рўйхатдан ўтган "JAZZ TOUR" МЧЖнинг (ИНН 207075506) номини "WONDERFUL TRAVEL" таъриқини ташкил қилди.

Ғаллазор т. Ғаллазор ш. Самарканд МФЙ Қурувчилик қўчаси ҳудудидан сатҳи 200 кв.м. «Савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шохбончалари» биноси қуриш учун. Бошланғич баҳоси - 124 481 сўм, сотилиш баҳоси - 250 000 сўм.

Навоий вилоятида 18.03.2013 йилда Навбахор туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи: 1. Бешрабод ҚФЙ Юқори Бешрабод маҳалласи 170-контуридан, сатҳи 20 000 кв.м. 2-сонли Балхиқона қуриш учун, бошланғич баҳоси - 324 786 сўм, сотилиш баҳоси - 850 000 сўм.

Ғаллазор т. Ғаллазор ш. Самарканд МФЙ Қурувчилик қўчаси ҳудудидан сатҳи 200 кв.м. «Савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шохбончалари» биноси қуриш учун. Бошланғич баҳоси - 124 481 сўм, сотилиш баҳоси - 250 000 сўм.

Навоий вилоятида 18.03.2013 йилда Навбахор туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи: 1. Бешрабод ҚФЙ Юқори Бешрабод маҳалласи 170-контуридан, сатҳи 20 000 кв.м. 2-сонли Балхиқона қуриш учун, бошланғич баҳоси - 324 786 сўм, сотилиш баҳоси - 850 000 сўм.

Навоий вилоятида 18.03.2013 йилда Навбахор туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи: 1. Бешрабод ҚФЙ Юқори Бешрабод маҳалласи 170-контуридан, сатҳи 20 000 кв.м. 2-сонли Балхиқона қуриш учун, бошланғич баҳоси - 324 786 сўм, сотилиш баҳоси - 850 000 сўм.

Навоий вилоятида 18.03.2013 йилда Навбахор туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи: 1. Бешрабод ҚФЙ Юқори Бешрабод маҳалласи 170-контуридан, сатҳи 20 000 кв.м. 2-сонли Балхиқона қуриш учун, бошланғич баҳоси - 324 786 сўм, сотилиш баҳоси - 850 000 сўм.

Ташкент шаҳар ер тўзи ва қўчаси мулк кадатстри хизмати ДКК томонидан (реєстр № 10-478/2007, 01.11.2007 й.) давлат рўйхатдан ўқатишга "Шаконтоғор т. Марказ-14 маҳалла 19-йи маҳаллида жойлашган "SEBZOR" хўсусий савдо ишлаб чиқариш ҳорасини тағшиш қаҳвагона объектга берилган ТА 0114525-сонли бонн гувоҳномаи йўқолганини сабабли бекор қилинди.

Ташкент ш. Унгена т. ТСПҮИ томонидан (реєстр № 002228-01, 20.06.2008 й.) рўйхата олинган "GRAND AGAMA" МЧЖ (ИНН 300870002) Устав фонди 50 000 000 сўмдан 3 739 000 сўм қамалиганини маълум қилди. Давро ва арзишлар эълон қилинди.

Ташкент шаҳри ва тадбиркорлик қасб-ҳуқор коллети томонидан Андижон Нодирон Бахтиёр ўли номини берилган К.Н. 1852474 (ИНН № 722) сонли думалок йўқолганини сабабли бекор қилинди.

Ташкент ш. Чилнозор т. Ҳокимияти хузиридаги ТСПҮИ томонидан рўйхата олинган "НАМКОР-БИРДМАН" уй-жой мулкдорларининг ширкати тағшиш думалок муҳр йўқолганини сабабли бекор қилинди.

Ташкент ш. Чилнозор т. Ҳокимияти хузиридаги ТСПҮИ томонидан рўйхата олинган "НАМКОР-БИРДМАН" уй-жой мулкдорларининг ширкати тағшиш думалок муҳр йўқолганини сабабли бекор қилинди.

Ташкент ш. Чилнозор т. Ҳокимияти хузиридаги ТСПҮИ томонидан рўйхата олинган "НАМКОР-БИРДМАН" уй-жой мулкдорларининг ширкати тағшиш думалок муҳр йўқолганини сабабли бекор қилинди.

# «ФИТОВАК» — САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ

У ЗИРОАТНИНГ КАСАЛЛИКЛАРГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ КУЧАЙТИРАДИ, БАРҚ УРИБ РИВОЖЛАНИШИГА, СЕРХОСИЛ БЎЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

**Кенгроқ мушоҳада юритсангиз, бу ёруғ жаҳондаги барча унсурлар бир-бирига чамбарчас боғлиқ икки кутбдан иборат эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Чунончи, наботот олами ва ҳайвонот дунёсини олайлик. Уларнинг муҳим хусусияти, яъни наботот олами ҳаводаги карбонат ангидридни ютиб, кислород чиқаришини, ҳайвонот дунёсида эса бунинг акси бўлишини ҳисобга олган ҳолда фикр юритсак, бошқа жиҳатлари бир-бириндан кўпма фарқ қилмаслигини англаймиз.**

Шу ўринда бир масалага эътиборни қаратиш жоиз. Наботот олами, яъни ўсимликларда ҳам ўсиб-ривожланиш жараёни гоёт мураккаб кечадиган, турли касалликларга қарши курашади. Бошқа мавжудотдаги каби унинг танасида «иссиқлик-совуқлик» мароми бузилиб, биронтаси кўпайиб кетса, у хасталанади. Бир манзарани кўз олдингизга келтириш: яхши ўсаётган гўзага меъёрдан ортқ сув берилса, ўсимлик танасидаги «совуқлик» кўпайиб кетиб, ранги сарғайиб қолади. Бу эса унинг касалликларга қаршилик кўрсатиш хусусияти пасайишига сабаб бўлади. Ўсимлик ҳам тирик жон, деб беҳиж айтилмаган.

Қишлоқ ҳўжалиги илм-фаннинг соҳа ва тармоқлари кўп бўлиб, улардан бири ўсимликларда турли касалликларга қарши иммунитет ҳосил қилишда қўлланиладиган препаратларни яратиш, синаб кўриш ва амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланади. Ўсимликларнинг турли касалликлар ва ҳашаротларга қарши курашиш хусусияти — иммунитетини кучайтириш, сув танқислиги, об-ҳавонинг одатдагидан исиб ёки пасайиб кетиши, шўрланиш сингари ноқулай шароитларга чидамлилигини ошириш ҳамда бошқа салбий ҳолатлардан ҳимояланишини таъминлаш шу соҳа мутахассисларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ғўза парварлишида илдиз чириш, вилт, фузариоз, шира ва бошқа касалликларни бартараф этиш, сўрвучи, кемирувчи майда ҳашаротларга қарши курашишда қўлланиладиган препаратларнинг самарадорлигини ошириш талаб этилади. Галлачиликда сарик занг ва бошқа касалликлар, хасва каби ҳашаротлардан ҳимояланиш ҳам долзарб масала саналади. Шунинг назарда тутилган Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги Пахтачилик илмий-тадқиқот институти, унинг Бухоро бўлими олимлари «ALBIT» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари билан ҳамкорликда фунгицид тизимли «ФИТОВАК» иммуностимулятор препаратини пахтачилик, галлачилик ҳамда бошқа соҳаларда қўллаш бўйича кўп йиллар давомида изланишлар, тажрибалар олиб бориб, яхши натижаларга эришилди.

Маълумки, илгари пахтачиликдаги юқорида санаб ўтилган касалликларни бартараф этишда турли турдаги препаратлардан фойдаланилади. Замон барча жабҳада, жумладан, бу соҳада ҳам маҳаллийлаштириш дастури талабларидан келиб чиқиб фаолият юритишни, тежамли ва замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни кун тартибига қўйди. Ҳаётий зарурат сифатида яратилган «ФИТОВАК» препаратини уч-тўрт йилдан бери қўлланиб келинмоқда. Ушбу препаратнинг иқтисодий самараси

қасалликларни бартараф этишда асосан турли турдаги препаратлардан фойдаланилади. Замон барча жабҳада, жумладан, бу соҳада ҳам маҳаллийлаштириш дастури талабларидан келиб чиқиб фаолият юритишни, тежамли ва замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни кун тартибига қўйди. Ҳаётий зарурат сифатида яратилган «ФИТОВАК» препаратини уч-тўрт йилдан бери қўлланиб келинмоқда. Ушбу препаратнинг иқтисодий самараси

сизларни ўзгартириб юбормайди. Аксинча, уларнинг самарасини оширади. Иккинчидан комплекс тарзда қўллаш ёнилги, ишчи кучи ва бошқа ресурсларни тежашга имконият яратади.

Энг аввало, уруғлик чигит препаратлар бирикмасидан тайёрланган ишчи эритмада 3-4 соат давомида ивтирилиб, яхши таъсир этиши учун димланиб, қуритилиб, сўнг экилади. Шундай ишлов берилган чигит одатдаги даладаги нисбатан 3-4 кун илгари униб чиқди ва кўп ўтмай қаторларнинг тўлиқ бўлиши таъминланди. Ғўзанинг шонана палласида фақат «ФИТОВАК»дан, гуллаш ва қўсаклаш даврларида эса таъкидланган препаратлар бирикмасидан тайёрланган эритма пуржалди. Шу ва бошқа чоратadbирлар тўғрисида ғўзанинг касалликларга, ҳашаротларга нисбатан иммунитетини, яъни чидамлилигини ошириб, яхши ўсиб ривожланди. Деҳ-

гектар ердаги галлада шу препаратдан фойдаланилиб, назоратдаги майдондаги нисбатан 12 центнердан кўшимча ҳосил олинди. Шу туманининг Абдулла Ортиков қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги «Шоқир Мироб» фермер ҳўжалигида ҳам бу препаратнинг самарали эканлигига ишонч ҳосил қилинди.

«ФИТОВАК» препарати Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси томонидан рўйхатга олинди, 2010 йил 10 февралда пахта, бошоқли дон экинлари, помидор, бодринг, картошка, узум етиштиришда қўллашга рўхсат этилди. Мутахассислар эъл фаолиятларида фойдаланиб кўрган фермерларнинг хулосасига кўра, бу препарат пахта, бугдойнинг пишиб-етилишини бир ҳафта-ун кунга тезлаштиради. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ғўза баргини сунъий равишда тўқтириш учун «ФИТОВАК»ни дефолиантларга қўшиб ишлатиш кўп жиҳатдан манфаатли. Яъни ҳар гектар ҳисобига 6 литр дефолиант тежалади, табиийки, унинг атроф-муҳитга таъсири камаюди. Дефолиантни препарат билан комплекс ҳолда ишлатиш ўсимликка яхши таъсир этади, физиологик жараён бузилиб, хали етилмаган қўсақлар буришиб қолишининг олди олинади, барглarning тўқилиши, пахтанинг очилиши тезлашади.

Лаборатория таҳлиллари «ФИТОВАК» қўлланилганда пахта чигитининг ёғдорлик кўрсаткичи сезиларли даражада ошишини кўрсатди. Худди шундай сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши галлачиликда ҳам намоён бўлмоқда. Дон йириклашиб, оқсил ва клейковина кўрсаткичларининг оширилишига эришилди.

— Биз бугунги кунда қишлоқда етакчи куч бўлиб қолган фермерлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, «ФИТОВАК» препаратини қўллаш ва унинг самарасини кўрсатиш баробарида деҳқончиликда сув ҳамда бошқа ресурсларни тежашга асосланган технологиядан имкон қадар кенг фойдаланишга тарғиб этаёلمиз, — дейди «ALBIT» МЧЖ раҳбари Шунқор Ахунов. — Билимдон ва кенг фикрли инсон Тоҳир Ходжаев сингари мутахассисларимиз янгиликларнинг моҳиятидан қишлоқ мулкдорларини воқиф этишга интилишмоқда.

Қанчадан-қанча саъй-ҳаракатлар инсоннинг соғлом, баркамол бўлишига қаратилади. Биз яшаб турган рўйи заманининг ажралмас бир қисми, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган зироатлар ҳам парварлишга, эътиборга муҳтож. Улардан меҳримизни аясасак, химоя-мигза олсак, мўл-кўчиликка пойдевор қўйилиб, турмушимиз янада фаровон бўлади.

**Суннат САЙДАЛИЕВ,**  
«Qishloq hayoti» муҳбири.



қандай кўрсаткичларда намоён бўлмоқда, деган савол туғилиши табиий. У Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида пахтачилик, галлачиликда ҳар томонлама тажрибадан ўтказилиб, мутахассислар томонидан самарали эканлиги қайд этилган. Намуна сифатида бир неча мисоллар келтирамиз: 2012 йили Балиқчи туманидаги «Маҳбора», Бўка туманидаги «Аҳмад ота» фермер ҳўжалиқларининг пахта, галла етиштиришга ажратилган майдонларида «ФИТОВАК» комплекс ҳолда қўлланилди. Сўз юритилаётган иммуностимуляторни мультиторни бошқа воситалар билан қўшиб фойдаланишнинг афзалликлари қўйидагича: биринчидан, «ФИТОВАК» бошқа препаратларга салбий таъсир этмайди, уларнинг хусу-

қонлар тили билан айтганда, бақувват бўлиб ўсган ғўза гоммоз, вилт, шира сингари касалликларга «бўйин эгмайди», ўргимчаккана, қандада, қўсақ қурти каби ҳашаротлардан устун келди. Ана шунинг ҳисобига кузда назоратдаги майдонга нисбатан гектаридан ўртача 9,4 центнердан кўп ҳосил етиштирилди. Ҳисоб-китоб қилинганда ўн гектар ерда 33,6 фойз кўшимча хомашё олинганлиги маълум бўлди. Бу кўп жиҳатдан препаратлар қўлланилганлиги шарофатидир.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида пахтачилик, галлачиликда «ФИТОВАК»ни қўллаб, унинг самарасини яққол кўраётган фермер ҳўжалиқлари кўпчиликини ташкил этади. Хусусан, Шўрланиш қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги «Саидсултон мезони» фермер ҳўжалигида 60



## ХАЛҚ БАНКИ

«Обод турмуш йили» муносабати билан  
ДТ Халқ банки қуйидаги миллий валютадаги  
муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

«Обод турмуш»

- сақлаш муддати — 6, 9, 12 ой;
- бадал миқдори — чекланмаган;
- қўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди;
- фойз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади;
- янги турмуш қурган оилаларга имтиёз сифатида қўшимча равишда 2 фойз миқдорда даромад тўланади;

«Наврўзинг муборак»

- сақлаш муддати — 3, 6, 9 ой;
- бадал миқдори — камида 100 минг сўм;
- қўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди;
- фойз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.

«Мустақкам оила»

- сақлаш муддати — 1 йил;
- бадал миқдори — камида 100 минг сўм;
- қўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди;
- фойз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.

«Оила манфаати»

- сақлаш муддати — 1, 3, 5 йил;
- бадал миқдори — чекланмаган;
- қўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди;
- фойз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.

**UZGUMI**  
Табиатнинг биологик фойл мўъжизаси — янги авлод гўмин ўғити

Ҳосилни оширади:  
Пахта +10-20%  
Бугдой +15-25%  
Мева ва сабзавот +30-50%

Етилиш муддатини қисқартиради  
Касалликларга ва ҳашаротларга чидамлилигини оширади

**ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛСА, ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ!**

Тел. (371) 238-92-29  
www.tbs-group.uz

### МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф (ПБ) Бульдозер
- Буль дозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъёмник БЛ-09
- «Беларусь» (INT3-90x, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2)
- Запасные части к тракторам «Беларусь»
- Шины различных моделей



**АГРОМАШ**  
ИП ООО «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»  
ОБЪЯВЛЯЕТ СКИДКИ НА СЛЕДУЮЩУЮ ТЕХНИКУ И ЗАПЧАСТИ:  
— ЗАПЧАСТИ К ТРАКТОРАМ ЛТЗ-60, КОМБАЙНАМ ЕНН5ЕJ,  
— ГУСЕНИЧНЫМ ТРАКТОРАМ Т4, ДТ-75, ВТ-150 И Т.Д.,  
— 4-Х КОЛЕСНЫЕ МИНИ ТРАКТОРА ВТЗ-2048 И Т30-69;  
— ЗЕРНОУБОРЧОЧНЫМ КОМБАЙН ЕНН5ЕJ-954 И МНОГОЕ ДРУГОЕ;

КОЛИЧЕСТВО ОГРАНИЧЕНО.  
ПО ВСЕМ ВОПРОСАМ ОБРАЩАЙТЕСЬ В ОФИС КОМПАНИИ ПО СЛЕДУЮЩИМ КОНТАКТАМ:  
Тошкент ш., Нидебек Йули кўчаси, 1. Тел.: +998 71 120 96 00; Факс: +998 71 234 89 88;  
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Шўҳрат Абдурахмоновга падари бузруквори

**КЎШОКБОЙ** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси Сабзавот-полиэтиленликни, боғдорчиликни, узумчиликни ривожлантириш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Юсуповга падари бузруквори

**ОМОНКУЛ** отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Аму-Сурхон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Давсухўжаликназорат» инспекцияси сойик раҳбари

**Тимур КАМОЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Андижон вилояти ҳокимлиги ҳокимнинг аграр масалалар бўйича ўринбосари, вилоят Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Шўҳрат Абдурахмоновга падари бузруквори

**КЎШОКБОЙ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

www.suvmash.uz

**SUVMASH**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Хусайн Байқаро кўч., 13.  
Тел.: (+998-71) 295-13-00; 295-06-34; 295-06-35; 295-06-37;  
295-19-08 Факс: (+998-71) 295-51-08 e-mail: sales@suvmash.uz;  
office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru www.suvmash.uz

ЭЦВ, Д, К, НК, Гру, АД2000-21, А50ГО, А30ГЦ, А40ГЦ, СНЭ200/5, УПП200/5 насослари тайёрлайди.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграр соҳадаги комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдижаббер ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ойнолуна ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероф ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7023

Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.